



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2012-yil, 17-may. Payshanba 61 (31.493) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни Оқсаройда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда Йозеф Блаттерни ўз ҳаётини жаҳон ва миллий футболни ривожлантиришга бағишлаган таниқли жамоат арбоби сифатида билишларини таъкидлади. Бу — ФИФА раҳбарининг Ўзбекистонга учинчи ташрифи. Мазкур ташриф ўзбек футболининг 100 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келди.

Учрашувда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро тўзимла билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. «Гол», «Гол-2» ва «Гол-3» лойиҳаларининг амалга оширилгани шундай ҳамкорликнинг натижаларидандир. Ушбу лойиҳаларга мувофиқ Тошкент шаҳрида сунъий қопламали футбол майдони ва мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаларининг ўқув-машқ базаси қурилди, Самарқанд шаҳрида эса мини-футбол учун ёпиқ манеж барпо этилмоқда. Ўзбекистон болалар-ўсмирлар футболлини, рефери ва мураббийларнинг миллий мактабини ривожлантириш борасида ҳам ФИФА билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

Бугунги кунда футбол Ўзбекистонда энг оммавий спорт турларидан бирига ва миллионлар ўйинига айланган. Ушбу спорт тури, айниқса, ёш авлод ўртасида кенг оммалашган. Давлатимиз томонидан футболни янада оммалаштиришга улкан эътибор ва ёрдам кўрсатилмоқда. Бу маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашга доир сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. 2011 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда футбол инфратузилмасини кенгайтириш ва ушбу спорт турини тарғиб қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга доир тадбирларнинг тизимли режаси тасдиқланди.

ФИФА раҳбари самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилди ва мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларига, шу жумладан, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон майдонларидаги улкан ютуқларига юксак баҳо берди.

ЎзА



Муродбек ЭИЕ олган суратлар.

## ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибига киритилган иккита масала муҳокама қилинди.**

Йиғилишда фракция аъзолари, тегишли вазирлик ва ташкилот вакиллари иштирок этди. Дастлаб **Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда

кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган. Унга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг паспорт тизими қоидаларининг бузилишига оид 223-моддасига ҳамда Солиқ кодексининг давлат божи ундирилишига оид 328, 335 ва 340-моддаларига тегишли ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда, шунингдек, **«Фаргона вилоятининг Фаргона шаҳри ва Фаргона тумани чегараларини ўзгартириш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қарор лойиҳаси Фаргона туманидан Фаргона шаҳрига қўшилаётган аҳоли пунктлари билан шаҳар аҳоли пунктларини ягона инфратузилмага боғлашга ҳизмат қилади. Депутатлар бу ўзгартириш аҳолига коммунал хизмат

кўрсатиш сифатини тубдан яхши-лаш, йўл, кўча ва турар-жойларда кенг ободонлаштириш, шаҳарнинг кенгайтирилган ҳудудларида замонавий архитектура қурилиш ишлари, янги йўللар ва бошқа ижтимоий объектларни барпо этиш имконини кенгайтиришни таъкидлади.

Фракция аъзолари ўзаро фикр алмашгандан сўнг кун тартибидagi қонун лойиҳаси ва Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасини маъқуллади.

**Икром МУСАЕВ, ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.**

### ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИ → 4

Муносабат

## ОНАМИЗ - ОЗОДЛИК, ОЗОДЛИК ФАРЗАНДИ - ТИНЧЛИК

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонига Президент Ислом Каримов мамлакат тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, минтақа ва жаҳондаги вазиятга доир ўта муҳим воя ва хулосаларни ўртага ташлади → 3

## Йозеф БЛАТТЕР: «ЎЗБЕКISTONДАГИ ФУТБОЛ ТАРАҚҚИЁТИДАН ҲАЙРАТДАМАН»

15-16 май кунлари ФИФА президенти Йозеф Блаттер бошчилигидаги спорт делегацияси юртимизга ташриф буюрди. Ташриф давомида меҳмонлар Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов ҳамроҳлигида дастлаб пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи ҳамда Симпозиумлар саройида бўлди. Шундан сўнг, жаҳон футбол раҳбари Чилонзор туманида қурилиши давом этаётган «Бунёдор» стадионида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Сўнгра Ўзбекистон футбол федерацияси мажлислар залида ФИФА президенти Йозеф Блаттер, ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг ҳамда УФФ президенти Мираброр Усмоновлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



(Давоми 4-бетда.)

### ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида ДЕПУТАТ СЎРОВИ МУТАСАДДИЛАР УНГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БЎЛИШАПТИ? → 2

### Партиялараро баҳс ОДАМЛАР ИШОНЧИ КАТТА ШАРАФ ВА МАСЪУЛИЯТДИР. БИРОҚ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ЎзАДепПнинг айрим депутатлик гуруҳлари буни англаб етмаётган кўринади → 2

## ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

инсонпарвар жамиятга хос хусусият

ЎзХДП Марказий Кенгаши билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишларнинг ҳаётимиздаги аҳамиятига бағишланган давра суҳбати ўтказди.



Олий ҳарбий божхона институтида ташкил этилган мазкур тадбирда ЎзХДП Марказий Кенгаши ва фракция аъзолари, Давлат божхона қўмитаси ходимлари, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва тингловчилар иштирок этди.

Давра суҳбатида ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан химоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида фикр юритилди.

— Оилани давлат ва жамият муҳофазасига олиш, унга ғам-хўрлик қилиш, моддий ва маъ-

навий қўллаб-қувватлаш — инсонпарвар демократик давлатга хос хусусиятдир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулноза ЭРНАЗАРОВА. — «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида оиланинг кадр-қимматини ошириш, унинг ҳар жиҳатдан мўътабар ва мустаҳкам бўлиши учун курашиш, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида аниқ вазифалар кўйилган. Хусусан, унда оила институти билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш, бу масалага жамият эътиборини кучайтириш белгиланган.

(Давоми 2-бетда.)

Футбол

Кеча Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ босқичи баҳслари поёнига етди. Мусобақанинг «Е» гуруҳида тўп сурган Тошкентнинг «Бунёдор» футболчилари охириги турда Жанубий Кореянинг «Поханг Стилерс» жамоасини қабул қилди.

## «БУНЁДКОР» - КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА!



Унда бунёдорчилар вакили Анвар Ғофуров киритган ягона гол ҳамюртларимизга муҳим уч очкони туҳфа этди — 1:0. Мазкур галабадан сўнг Флориданул Қосимов шогирдлари ўз ҳисобларидаги очколари сонини 10

та етказиб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллади.

Энди мусобақа низомига кўра, «Бунёдор» жамоаси бир ўйиндан иборат «плей-офф» босқичида ўз омадини синая кўради. 29 май куни ўтказиладиган нимчорак финал учрашувида ҳамюртларимиз Жанубий Кореянинг «Сеонгнам Илва Чунма» футболчилари меҳмони бўлади.

Шунингдек, кеча Қаршининг «Насаф» вакиллари Эроннинг «Истиқлол» аъзоларини («А» гуруҳи) — 0:2 қабул қилган бўлса, Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари сафарда Бирлашган Араб Амирликларининг «Банияс» жамоасига («В» гуруҳи) қарши майдонга тушдилар — 0:2. (Ўз мухбиримиз.)



ЎзХДП маҳаллий Кенгашларида

# ДЕПУТАТ СЎРОВИ

## мутасаддилар унга қандай муносабатда бўлишяпти?

**Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида партиямизнинг 126 нафар депутати фаолият кўрсатади. Уларнинг аксарияти ўз ишига масъулият билан ёндашиб, сайловчилар манфаатига хизмат қилувчи ташаббуслар билан чиқаяпти. Муҳими, шу тариқа ҳудудлар ривожига партиямиз иштироки кенгайиб, электоратга ижтимоий кўмак берилаяпти. Бу жараёнда депутатлик сўрови ваколатидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ жойларда депутатлик сўровига эътиборсиз қаралаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.**

— Шу йил ҳисобидан тегишли ташкилотларга 14 та депутатлик сўрови билан мурожаат қилдим, — дейди **вилоят Кенгаши депутати Ақром Иномов**. — Бироқ уларнинг 4 тасига жавоб олдим, холос. Орадан уч-тўрт ой ўтиб бораётганига қарамадан мутасаддилар негадир сукот сақлашяпти. Масалан, Жиззах туманидаги Зейбон қишлоқ фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи фуқаро Саида Қодиркуловани мурожаати юзасидан суд қарорининг ижро этилмагани ҳусусида 16 март куни Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти вилоят бошқармаси бошлиғи Э.Суюнов номига депутатлик сўрови юборилди. Аммо ҳалигача жавоб бўлган эмас.

Шунингдек, аҳоли мурожаатига асосан «Жиззахлик» маҳалласи ҳамда Қулфисар қишлоғидаги электр қуввати узатиш тармоғининг эскириб, ярқоқсиз ҳолга келиб қолгани ва унинг бир қисмини янгилаш зарурлиги ҳақида Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ОАЖ бошқаруви раиси Ф.Аҳмедов номига 15 март куни депутатлик сўрови юбордик. Аммо ташкилот ходимлари уни эътиборсиз қолдирмоқда.

— Туман Кенгаши депутати Гулжаҳон Пардаева шу йилнинг ўзида 4 та депутатлик сўрови киритди, — дейди **Бахмал туман партия кенгаши раиси Бурхон Дониёров**. — Натижада «Агробанк»нинг туман бўлими томонидан иссиқхона қураётган фуқарога имтиёзли кредит берилди, шунингдек, туман ҳокими қарорига асосан паррандачилик билан шуғулланиш ҳаракатида юрган оилага ер майдони ажратилди. Муҳими, депутат сўров киритгандан сўнг, уни ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Унинг жавоби билан мунтазам қизиқиб бора-

ди. Шу тариқа сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қилади. Маълум бўлишича, партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларимиз жорий йилнинг 4 ойида 97 та депутатлик сўрови билан мутасадди ташкилотларга мурожаат қилган. Ҳозиргача бор-йўғи 39 та сўровга жавоб олинган.

Депутатнинг сўровига бундай муносабатнинг асосан иккита сабаби бор. Биринчидан, давлат ва ҳўжалик бошқаруви идоралари раҳбарлари депутатлик сўровининг аҳамиятини яхши тушунмаслиги, унинг ортида фуқаролар муаммоси ётганлигини англамаганлигида. Иккинчидан, айрим ҳолларда депутатлар ўз ваколатидан самарали фойдаланмапти, уларда қатъийлик етишмапти. Яъни, депутатлик сўровига ўз вақтида жавоб қайтармаётган раҳбар шахслар устидан халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашлари раисларига хабар қилинмапти.

Ваҳоланки, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасида: **«Депутат олдидаги ўз вазифаларини бажармайдиган, унинг ишига тўқсизлик қиладиган, билла туриб унга ёлғон ахборот берадиган, депутат фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар»**, деб белгилаб қўйилган.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



# ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

## инсонпарвар жамиятга хос хусусият

Давлат дастурига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Васийлик ва ҳимойлик тўғрисида» қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Мазкур қонун лойиҳаларида никоҳ ёштини узайтириш, болаларни асраб олиш тартибини такомиллаштириш, васийлик ва ҳимойлик идораларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмни такомиллаштириш кўзда тутилган.

— Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилли оила қураётган ёшларнинг маълумоти ва касбига кўра доимий бандлигини таъминлашдир, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси **Шарбат АБДУЛЛАЕВА**. — Бу вазифани халқ қилишининг самарали шакли — касаначилик, яъни уй меҳнати, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Давлат дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган, аниқ вазифалар белгиланган. Бу ишларнинг бажарилиши ёш оилалар мустақамлигига хизмат қилади. Айна шунинг учун ҳам партиямиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида давра суҳбатлари, ўз ишларини таъминлашнинг муҳим омилли оила қураётган ёшларнинг маълумоти ва касбига кўра доимий бандлигини таъминлашдир, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси

ўринбосари Шарбат АБДУЛЛАЕВА. — Бу вазифани халқ қилишининг самарали шакли — касаначилик, яъни уй меҳнати, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришдан иборат. Давлат дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган, аниқ вазифалар белгиланган. Бу ишларнинг бажарилиши ёш оилалар мустақамлигига хизмат қилади. Айна шунинг учун ҳам партиямиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида давра суҳбатлари, ўз ишларини таъминлашнинг муҳим омилли оила қураётган ёшларнинг маълумоти ва касбига кўра доимий бандлигини таъминлашдир, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси

**Давлат дастурига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Васийлик ва ҳимойлик тўғрисида» қонун лойиҳалари тайёрланмоқда. Мазкур қонун лойиҳаларида никоҳ ёштини узайтириш, болаларни асраб олиш тартибини такомиллаштириш, васийлик ва ҳимойлик идораларининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилаш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмни такомиллаштириш кўзда тутилган.**

**— Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилли оила қураётган ёшларнинг маълумоти ва касбига кўра доимий бандлигини таъминлашдир, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси**

— Кишида гўзал инсоний фазилатлар, аввало, оилада шаклланади, —

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### Партияларо баҳс

# ОДАМЛАР ИШОНЧИ

катта шараф ва масъулиятдир. Бироқ маҳаллий Кенгашлардаги ЎзЛиДеПнинг айрим депутатлик гуруҳлари бунга англаб етмаётган кўринади

**Мамлакатимизда демократик ислохотларни мустаҳкамлаш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида сиёсий партияларнинг жамият тараққиётидаги таъсир кучи ошиб, партияларо рақобат тобора жонланиб бормоқда. Бунга сиёсий партиялар фаолиятида юз бераётган ўзгаришлар, Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалий ишларга кўпроқ эътибор берилаётганидан ҳам кўрса бўлади.**

Маълумки, сиёсий партиянинг Сайловолди дастуридаги вазифаларни бажариш, электорат манфаатини самарали ҳимоя қилишда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг фаолияти муҳим роль ўйнайди. Бироқ электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларга бефарқ қараётган партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари йўқ эмас. ЎзЛиДеПнинг Самарқанд вилоятидаги айрим депутатлик гуруҳлари фаолияти шундай дейишга асос бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардoshi ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш иш ўринлари барқарорлигини сақлаш, корхона иқтисодий қувватларини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатини ҳимоя этишнинг ўз зиммасига олган ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида бу борада қатор вазифалар белгиланган. Хусусан, унда шундай ваъдалар берилган: **«ЎзЛиДеП мамлакатнинг юқори технологиялар асосида тараққий этишида тадбиркорлик секторининг ҳар бир субъекти**

ва сессияларга қандай амалий тақлифлар киритмоқда? Вилоят Кенгашида ЎзЛиДеПнинг 27 та депутати бор. Ўтган йили бўлиб ўтган сессияларда ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи 1 та масала киритган, холос.

**Яна бир мисол. Самарқанд шаҳар Кенгашида 19 нафар, Пайарик туман Кенгашида 18, Оқдарё туман Кенгашида 12, Жомбой, Нуробод ва Самарқанд туман Кенгашларида 10 нафардан депутатлик бўлишга қарамай, ЎзЛиДеПнинг электорат манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш ва ҳал этишда иштироки умуман сезилмапти.**

**Ўтган йили мазкур шаҳар ва туман Кенгашларида сессияларида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид қатор муҳим масалалар муҳокама қилинган. Аммо либераллар бирон-бир ташаббус кўрсатмаган.**

Бироқ мазкур партия наشري бу ҳақда жиддийроқ таҳлил юритиш ўрнига, қулоқ банландларов гаплар қилган, чегараланиб қолмоқда. Мазкур партия наشريдаги мақолаларда **ЎзЛиДеП ЎзХДПдан фарқи ўлароқ ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари, жойлардаги фаоллари орқали тадбиркорлар муаммосидан хабардор бўлишга ва уларни имкон қадар ҳал қилишга иштирок этмоқда** каби асоссиз фикрлар орқали обрў қозонишга уринмоқда. Аммо бу даъво ҳаётга тўғри келмаётганини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди.

Келинг, шу ўринда ЎзХДП фаолиятига тўхталиб ўтас. Чунки аниқ мисоллар орқали қиёсланганда қайси партия жойларда амалий иш олиб бораётгани ойдинлашади.

2011 йилда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши сессияларига «Парламентчилик соати» ва «Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижроси ҳақида»ги, Иштихон туман Кенгаши сессиясига «Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг бажарилиши тўғрисида», Булунғур туман Кенгаши сессиясига «Уй-жой қурилиши дастурини кенгайтириш доирасида ижтимоий инфратузилма ташкилотлари самарали ишларини таъминлаш бўйича», Ургут туман Кенгаши сессиясига «Сановат корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида»ги масалалар киритилган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

ЎзХДП Ҳаракат дастурига мувофиқ айни пайтда депутатлик гуруҳлари Оқдарё туманида истеъмол бозорини маҳаллий товарлар билан тўлдирриш, Нуробод туманида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларини ўрганиб, маҳаллий Кенгашларнинг навбатдаги сессияларига киритишга тайёрламоқда.

Бугун сиёсий партияларга, хусусан, депутатларга катта ҳуқуқ ва ваколат берилган, уларга одамлар талаби олиб бораётган бир пайтда ўзига ҳолис баҳо бермай, камчиликлардан кўз юмиш, сохта обрў талашни ҳеч бир партияга фойда келтирмайди, аксинча, уни хотиржамлик сари етаклайверади.

**Шаҳноза ЮСУПОВА,**  
**ЎзХДП Марказий Кенгаши**  
**матбуот хизмати ходими.**

### ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

# МУРОЖААТ ОРТИДАГИ МАСАЛА ЕЧИМИ

## электорат манфаатига хизмат қилади

**ЎзХДП Қорақалпоғистон республика, туман ва шаҳар кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Шу тариқа депутатлар ва партия фаоллари ёрдами билан электорат манфаатига алоқадор кўплаб масалалар ечим топяпти.**

— Ўтган йили туман партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига 105 та, жорий йилнинг биринчи чорагида 18 та мурожаат бўлди, — дейди **Чимбой туман партия кенгаши раиси Аманбай Сейилбеков**. — Уларнинг аксарияти ишга жойлашиш ва томоққа олиш масаласида. Депутатлар орқали бу мурожаатлар ўрганилди, муаммо ва камчиликларнинг сабаблари таҳлил қилиниб, тегишли идоралар билан бирга фуқароларга амалий ёрдам кўрсатилди. Бу борада партия ташкилоти билан депутатлар ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этапти.

— Мен Жамоатчилик қабулхонасига ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилган эдим, — дейди Чимбойнинг Кунхўжа кўчасида яшовчи Марат Қўшанов. — Партия фаоллари ёрдами билан «Ланэкстракт» қўшма корхонасига ишга жойлашдим. Шу бois партия фаолларига ҳурматим ортди.

Лола Мамбетмуратова ўз ишини йўлга қўйиш истагида ҳуқуқий маслаҳат сўраб қабулхонага келди. Унга мутахасссларни жалб этган ҳолда йўл-йўриқ кўрсатилди. Шу тариқа у кредит олишга муваффақ бўлди ва 10 та тикув машинаси харид қилиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир бу ерда 10 нафар хотин-қиз иш билан банд.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Муҳими, партия фаоллари мурожаатларни ечиш асосида жамоатчилик билан алоқа ўрнатиб, ҳудуд ҳаётига чўқур кириб борапти, жойларда юзага келаётган муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этишга ҳисса қўшмоқда.

Партия ташкилоти ва депутатлар фуқаролар мурожаатини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатишни энг асосий вазифа деб билади. Чунки мурожаат ортида инсон кадр-қиммати, хохиширодами ва электорат манфаати бор. Бунга унутмаслик керак.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**  
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### Хориж

## ЧАЛА ПИШГАН ГЎШТ

### ўсимтани ўстиради

**Фаст-фудлар дунё мамлакатларида кенг оммалашган. Аммо Европа ва АҚШ ундан аста-секин воз кечмоқда. Негаки, илм-фан унинг зарарли томонларини исботлаб берди.**



Австралиялик олимлар эса кўрада пиширилган гўшти таом — стейк ҳамда киши соғлиғи учун зарарли эканлигини аниқлашди. Яъни уни кўп истеъмол қилиш саратон ва юрак хасталиklarини келтириб чиқараркан.

Шуниси аёнки, кўрада гўшт чала пишади. Чала пишган гўшт таркибидан эса канцероген моддаси бўлади. Айнаун ўша модда инсон организмидан

хавфли ўсимтани ривожлантиради ҳамда юракнинг ёғ босишини келтириб чиқаради.

Грилда пиширилган гўшт, айниқса, товуқ гўшти кишига лаззат бағишласа-да, лекин унинг зарари... Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, ана шундай таомни севиб истеъмол қилувчиларнинг аксариятида саратон касалиғи аниқланган.

### КўПРИК ЎҒРИЛИГИ

#### иккинчи бор қайд этилиши

**Ўғрилиқнинг катта-кичиги бўлмайди, деганларидек уни содир этувчилар умариладиган нарсанинг оғир-енгилига ҳам қараб ўтирмас экан. Бунга Чехиянинг гарбий ҳудудидagi Соколов шахрида кўпчилик гувоҳ бўлди.**



ИТАР-ТАСС хабар беришича, Горни-Славков-Локет темир йўлида пидедалар ўтиши учун бир вақтлар қурилган 10 тонна оғирликдаги кўприк жиноятчилар томонидан куппа-кундузи, полиция кўз олдида ўғирлаб кетилган. Ишни «силлик» баҳарий ун жиноятчилар кўприкни демонтаж қилиш тўғрисида сохта ҳужат тўғрилашган. Ҳеч кимда шубҳа уйғотмай кўприкни бўлақларга бўлиб, кран ёрдамида олиб кетишган. Бунга эса полиция кузатиб турган. Кўприк ўғирланганини анча вақтдан кейин бил

### СТИПЕНДИЯДАН

#### МАҲРУМ ҚИЛИНАДИ

#### агар талаба чекаётиб қўлга тушса

**Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда тамаки чекишга қарши турли усулларда кураш олиб борилмоқда. Мақсад соғлом турмуш тарзи-га эришиш.**



Финляндия ҳукумати ҳам талабалар ўртасида сигарет чекиувчилар сонини камайитириш ниятида янги қарорга имзо чеқди. Унга кўра, кимки сигарет чекаётиб қўлга тушса, стипендиядан маҳрум қилинади. Ҳукумат айнан шу йўл билан ёшлар ўртасида чекишни камайитиришга бел болаган.



Муносабат

# ОНАМИЗ - ОЗОДЛИК, ОЗОДЛИК ФАРЗАНДИ - ТИНЧЛИК

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдонига Президент Ислам Каримов мамлакат тараққиёти, халқимизнинг бугунги ва эртанги ҳаёти, минтақа ва жаҳондаги вазиятга доир ўта муҳим ғоя ва хулосаларни ўртага ташлади

Мустақил юрт фуқароси, озоод одам ҳеч қачон, ҳеч кимнинг олдида тиз чўкмайди. Давр синовларини, озоодликнинг машаққатли йўлларини босиб ўтишда бошқалардан ёрдам кутмайди. Фақат ўз куч-қудратига, миллий гурурига сўянади. Авлодларга ўзидан озоод ва обод Ватан қолдиради. Озоодлик, тинчлик... Бу бебаҳо неъматларни асраш, қўлда маҳкам тутиб туриш, турли хуржлардан ҳимоя қилиш учун, керак бўлса, жон берилади.

Бугун биз юрт мустақиллигида ўтган аждодларимиз ва келгуси авлодлар ҳаққи борлигини унутмаслигимиз зарур. Ушбу масъулиятни аввало ўзимиз англашимиз, фарзандларимиз онгига сингдиришимиз муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг Мустақиллик стратегияси — бу давлатимиз раҳбари белгилаб берганидек: **Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!**

XXI асрда ҳам инсоният урушлар, турли хил низолар, қарама-қаршиликлар билан юзма-юз келмоқда. Бугун дунёда рўй бераётган қонли можаролар ҳар бир инсонни хавотирга солиши, ўйлашга, хулоса чиқаришга ундаши табиий.

Бу вайронкорликлар ўз-ўзидан содир бўлаётгани йўқ. Унинг ортида ҳамма вақт учинчи кучларнинг аралашуви, гиж-гижлаши, аввал қўлаб-қувватлаб, сўнг ўзига тобе қилишдек манфур сиёсати ётади. Уша учинчи куч дунёнинг исталган жойида пайдо бўлиши, мафзуравий иммунитетни паст одамларни, мамлакатларни ўз домига тортиш хавфи борлигини ёддан чикармаслигимиз керак.

Бугун қудратли давлатлар ва улар қўлаб-қувватлаётган айрим гаразли кучлар нафақат курул-яроғ, озик-овқат ва қазилма бойликларни, балки демократияни, қандай яшаш кераклигини, инқилоб ва намойишлар саҳнасини эўр бериб экспорт қилмоқда. Бунинг замирида ёвуз мақсадлар борлигини ҳар биримиз ўзимизга тасавурут этишимиз зарур.

Бир ҳақиқат бор: нотинчликдан, беқарорликдан ҳеч ким ютмайди. Йўқотишлар, айриликлар инсонлар қаддини букади, одамларнинг эртанги кунга ишончи сўнади. Давлат бошқарувида парокандалик юзага келиб, иқтисодиёт хонавайрон бўлади. Умуман олганда, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзул юз беради. Мамлакат тараққиёти бир неча ўн йиллар орқага кетади. Бундай пайтда учинчи куч ўз «ёрдам»ини таклиф қилади. Энг ёмони, у ёвуз ниятга етади. Мана шуларни ўйлаганда эса қалбда ҳайқириклар туйғилади:

**Огоҳ бўлинг, одамлар!** Кимнингдир кукунисига уманг. Кўйричоғига айланиб қолманг. Дунёда юз бераётган уруш-жанжаллар, нотинчликлар лоқийда ва қатъиятсизлик туйғайли содир бўлаётганини унутманг...

**Тинчликни асраг, одамлар!** Бу бебаҳо неъматга қилинаётган тажовуз ва таҳдидни ўз вақтида англайлик, зийрак ва ҳушёр бўлайлик! Бунда ён-атрофимизда юз бераётган воқеаларга теран қараш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш ғоятда муҳимдир.

**Тинчликка шукрона қилинг, одамлар!** Тинчлик, барқарор бўлмаган мамлакатда ҳаёт йўқ. Хотиржамлик йўқ. Тинчликни асраш Мустақилликни асраш демакдир.

Бизга қўшни бўлган Афғонистонда анча йиллар илгари бошланган нотинчликлар ҳали-ҳамон давом этиб келаётганини кўриб, билиб турибмиз. Ҳар бир миллат ўз тақдири ва эртанги кунини учун, аввало, ўзи қайғуриши, муаммоларини ўзи ҳал этиши, миллий бирликка эришиши ғоятда муҳимдир.

**Наврўз байрами арафасида мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистонлик Ато Муҳаммад Нуриддин сўзларидан ҳам бунинг аниқлиги мумкин. У ўз таассуротларини қуйидагича ифода этади: «Юртингиздаги тинчликка, тотувликка ҳавасим келди...»**

Инсон ҳамиша ўзида йўқ бўлган нарсани излайди. Борини эса ҳамма вақт ҳам қадрига етавермайди. Бир қатор давлатлар мисолида қўрилган шундай тажриба бор: аввал олдиндан ўйланган режа асосида нотинчлик уюштирилади, кейин эса ҳар икки томонни муросага келтириш баҳонасида қабих мақсадларга эришилади.

Минг афсуски, одамлар, улар мансуб жамиятлар бу ҳақиқатдан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмайдилар. Шунинг учун ҳам алданишлар, янгилишлар, қарамликлар пайдо бўлаверади.

Бугун турли ҳудудларда фашизм деган офат янги киёфада яна бош кўтармоқда. Миллатчилик авж олмоқда. Бундай вазиятда бепарво бўлиш, лоқийлик қилмастга тушади. Таҳдидларни ўз вақтида англамаслик, пайини қирқмаслик, илдири билан суғуриб ташламаслик, эътиборсиз қараш туйғайли айрим давлатларда фуқаролар урушлари, турли низолар, биродарқўшликлар ҳали тўхтагани йўқ.

Бугун дунёга ҳукмронлик қилиш вассасига тушиб қолган баъзи давлатлар эса дунё тинчлик сиёсатига ҳам ўз манфаатлари нуқтаи назаридан қарамоқда. Шундан бўлса керак, тинчлик йўлида олиб борилаётган савий-ҳаракатларга қарамай, дунёнинг турли минтақаларида нотинч, оловли нуқталар сони тобора ортиб бормоқда.

**Ўзбекистон йўли нафақат мамлакат тинчлиги, балки бутун дунё тинчлигига эришиш йўлидир.** Шунинг учун ҳам жафокаш афғон халқига, Афғонистон давлатига ҳам, энг аввало, иқтисодий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, дўстлик қўлини чўзиш зарур.

Бу юртга қурол қўтариб бориш, маҳаллий аҳоли урф-одатларига бепи-

санд қараш эса вазиятни тобора чикарлаштириб юбормоқда. Бу борада Ўзбекистон тутган йўл бутун дунё учун ибратлидир. Афғонистонни тиклаш борасида Ўзбекистон бир қатор амалий ташаббусларни илгари сурмоқда. Бунинг Афғонистон томонидан Афғонистон тарихидаги илк темир йўл «Хайратон — Мозори Шариф» темир йўли қурилиши ҳам кўрсатиб турибди.

Бугунги дунёда тинч ривожланиб бораётган мустақил давлатларга турли тузоқлар қўйиш, уларни чалғитиш, қўшни давлатлар билан жанжал келтириб чиқариш, глобал экологик муаммоларга ноҳолис баҳо бериш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бунинг тизимли равишда, бу борада жамоатчилик фикрини шакллантириш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Тўғриси тани олиб айтишимиз керакки, ҳали ғоявий таҳдидларга қарши туриш борасида етарлича билим ва кўникмага эга эмасмиз.

Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳам мустақилликнинг, тинчликнинг қадрига етиш, халқни огоҳликка даъват этиш борасида ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаётган. Бу масъулиятли вазифага лоқийда қараш мумкин эмаслигини эса даврнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўзимизга бир хулоса қилиб кўрайлик, бугун эришган ва эришаётган байрамлар юртимиз тинчлиги ва озоодлигини, эзгуликни, меҳр-оқибатни, тотувликни тарғиб қилади. Менинг назаримда, бу тантаналар ўзига хос тарбиявий-маърифий аҳамиятга эга. Улар халқимиз, ёшларимиз қалбида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади, — дейди **СамДУ профессори Муслихиддин Мухиддинов**.

Бизнинг тараққиёт стратегиямиз ҳам аслида илм-фан, спорт ва санъат билан дунёга танилишдир. Мен ёшлар тарбияси билан шуғулланиб келаётган бир зийли сифатида шунини айтмоқчиманки, аввало, ёшларимиз она Ватанимиз тинчлигини кўз қорачигидек асраши керак. Биз педагоглар эса улар онгига ватанпарварлик, бағрикенглик туйғуларини чуқурроқ сингдиришимиз, буюк боболаримизнинг жаҳоншумул илмий кашфиётларини давом эттиришида уларга қанот бўлишимиз зарур. Ҳамма замонларда ҳам халқни юрт тинчлиги, миллат шайни, мамлакат манфаати бирлаштирган.

— Мен 9 май куни Президентимизнинг Хотира майдонига айтган сўзларини миллатда ва ёшларга қилинган мурожаат деб биламан. У киши ёшлар масаласига алоҳида тўхталар экан,



Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кираяпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандай ишонман деди. Йўлбошимизнинг давратини аниқлаш, уни чуқур тушуниб олиш ва бу ишончга жавобан Ўзбекистонни севадиган фарзандлар бўлишимиз зарур, — дейди **ЎЗМУ магистранти Козимбек Ҳамроев**.

— Бошимиздан ўтган, собиқ тузум даврида одамнинг қадр-қиммати йўқ ҳисобида эди, — дейди **Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, каттакўргонлик Карим Абдуллаев**. — Одамларнинг умри пахта далаларида ўтиб кетарди, фақат иш сўраларди. Аёллар эмизикли болаларини дала ший-полларидида боғчаларга қўйиб, оғир меҳнат қиларди. Ҳар кун талабалар эса тўрт ой пахта терарди. Бугунги кунда қадри ортиб кетди, ҳар кун оқибатини кўриш керак. Биз педагоглар эса улар онгига ватанпарварлик, бағрикенглик туйғуларини чуқурроқ сингдиришимиз, буюк боболаримизнинг жаҳоншумул илмий кашфиётларини давом эттиришида уларга қанот бўлишимиз зарур. Ҳамма замонларда ҳам халқни юрт тинчлиги, миллат шайни, мамлакат манфаати бирлаштирган.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўқиб, жуда таъсирланганим, — дейди **Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати Меҳриноз Аббосова**. — Мутолаа давомида мустақилликни оsonликка қўлга киритмаганимизни, бунинг учун аёвсиз кураш борганини аниқлаб етдим. Шу кунларда мазкур асарни қайта ўқияман. Уни «Озоодлик йўлидаги курашлар солномаси» деса бўлади. Бир сўз билан айтганда, бу китоб бизга мустақилликни асрашни ўргатади.

— Оила соғлом экан — жамият мустахкам, жамият мустахкам экан — мамлакат барқарордир. Юртбошимизнинг мана шу фикрларини ўқиб, оила нафақат жисман, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши жуда муҳим эканини англадим, — дейди **тиббийёт фанлари доктори, профессор Фарход Даутов**. — Яқинда юртимизда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳадаги бағишланган халқаро анжуманлар бўлиб ўтди. Ҳар иккала тадбирда ҳам нуфузли экспертлар ушбу йўналишларда яратилган Ўзбекистоннинг Миллий моделини эътироф этишди. Бу ислохотларнинг замирида, энг аввало, инсон омили мужассам. «Соғлом она —

соғлом бола» дастурига биноан она вужудида ҳомила пайдо бўлгандан бошлаб то у туғилгунга, вояга етгунга қадар давлатимиз эътиборида, ҳимоясидадир. Бундай инсонпарварлик, келажакка ғамхўрлик дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида бўлмас керак. Мустахкам оила йилида Оила мустахкамлигидан мамлакат мустахкамлигига шиорига амал қилиш жуда муҳимдир.

— Хотира майдонига мамлакатимиз раҳбари томонидан айтилган тарихий дохиллар эмас, балки халқ яратади, деган фикр мени жуда тўқинлантириб юборди. Мустақил Ўзбекистоннинг янги тарихини ҳам бунёдкор халқимиз яратмоқда, — дейди **тарих фанлари доктори Шохиста Ўлжаева**. — Фахрланишга арзийдиган бой маънавий меросимиз бор. Биз бугун ёшларимиз қалбига ўз ўтмишидан гурурланиш туйғусини жо этишимиз керак. Аждодларимизга муносиб ворислик, улар анъаналарини давом эттириш порлоқ келажак омилидир. Мустақиллик фарзандлари, Ўзбекистон ёшлари буюк ишларга қодир.

— Мен ўғлим Расул билан фахрланаман, — дейди **Хоразм вилояти Богот туманида яшовчи Рўзимбой Мадримов**. — У армия сафида Ватанимиз сарҳадларини, халқимиз тинчлигини ҳимоя қилди. Хизмат вақтида қисм командиридан ташаккур хати олди. Уни ўқийтиб онаси билан иккимизнинг кўзимизга ёш келди. Ўтган умримга, унга берган нон-тузимга рози бўлдим. Ўғлим эл олдида юзимни ёруғ қилди. Яқинда у харбий хизматни тавомлаб, олий ўқув юртига кириш учун тасвирнома билан ўқиб қайтди. Шу йил олий харбий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топширади. Харбий бўлиб, юртига хизмат қилмоқчи...

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқарашини, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабатини то маънода ўзгарди. Биз ўтган 21 йил ичида мустақилликнинг ғоятда масъулиятли, мазмунли, керак бўлса, машаққатли йўлини сабот билан босиб ўтдик.

**Бу йил сабоқлар йўли, тўғри хулосалар чиқариш, келажакка ишонч йўлидир.** Мамлакатимиз раҳбари айтганидек, таҳдидларни ўз вақтида сезиш, ёвуз башарасини очиб ташлаш бугунги замоннинг бош талабидир.

Шунингдек, биз, аввало, дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво қарамаслигимиз, улардан ўзимизга хулоса чиқариб олишимиз, ҳар қандай хийла-найранларга қарши туришимиз, яна бир марта огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур.

Халқ ва Ватан, Озоодлик ва Тинчлик тақдирига ҳар биримиз дахлдор эканимизни унуттишга асло ҳаққимиз йўқ.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

Эътироф

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ»: ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ЮКСАК МУКОФОТ

Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси жорий йилда «Парвозлар хавфсизлиги» Нотижорат ҳамкорлик ташкилотининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашдаги улкан ютуқлари учун» номинацияси бўйича мукофотга сазовор бўлди.

Россия ва МДҲ мамлакатлари авиакорхоналари томонидан 1999 йилда ташкил қилинган Нотижорат ҳамкорлик ташкилоти авиакомпаниялари, авионавигация корхоналари, илмий ва ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, билим юртлари, суғурта компаниялари ҳамда бошқа хоржий авиация ташкилотларини бирлаштиради.

Мазкур ташкилот Бутунжаҳон парвозлар хавфсизлиги фонди (FSF), бошқа халқаро авиация ташкилотлари (ICAO, Евроназорат, IATA, ATCA, ICAS ва ҳ.к.) билан яқин ҳамкорлик қилиб, фуқаро авиациясида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва парвозлар хавфсизлигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб

қўйган. Москвада 15 майда бўлиб ўтган тақдирлаш маросимида таъкидланганидек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси янги услуб ва технологияларга асосланган парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва барча хизмат ходимларининг касбий маҳоратини мунтазам ошириб бориш борасидаги самарали фаолияти учун ташкилотнинг бу мукофотига лойиқ деб топилди.

Таъкидлаш лозимки, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ҳаммиша Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб келган. Ўтган давр мобайнида ҳаво кемаларимиз парки буткул янгиланиб, юр-


тимизда ва фарбда ишлаб чиқарилган замонавий самолётлар билан тўлдирилди. Бугунги кунда барча қатновлар юқори малакали учувчилар томонидан «Боинг», «Эрбас», «RJ-85» ва «Ил-114-100» самолётларида бажарилмоқда.

**Авиация техникасига хизмат кўрсатиш ишлари ҳам юқори даражада ташкил этилган. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида нафақат ўзимизнинг, балки хоржий компанияларнинг ҳаво кемаларига ҳам турли хил техник хизмат кўрсатишмоқда. Корхона томонидан амалга оширилаётган сифатли техник хизматлар ва таъмирлаш ишлари парвозлар хавфсизлиги юқори даражасини таъминлаш имконини бермоқда.**

Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда мамлакатимиз



ҳаво кенглигида авиалайнерларнинг хавфсиз ҳаракатини ишончли бошқараётган «Ўзавионавигация» маркази жаҳон авиациясининг ҳам хиссаси катта.



Аэропортларимиз инфратузилмасини модернизациялаш, ер усти хизматларини техник ва технологик жиҳатдан янгиллаш ишлари ҳам мун-



тазам олиб борилмоқда. «Ташкент», «Самарқанд», «Бухоро», «Урганч», «Термиз», «Навоий» халқаро аэропортлари парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар ҳамда ҳаво кемаларига юқори даражада хизмат кўрсатиш учун энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган.



Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан белгиланган фуқаро авиациясини модернизациялаш ва ривожлантириш борасидаги ишлар давом этмоқда. Янги технологиялар, янги ускуналар, янги техника жорий қилинмоқда. Ўзбек учувчилари парвозлар хавфсизлиги ва ишончилиги, авиаташувлар мунтазамлиги ҳамда йўловчиларга хизмат кўрса-

тишининг юқори маданиятини таъминлашда бор имкониятларини ишга солмоқда. Юксак мукофот «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўпмиллик жамоасининг самарали меҳнати ва касбий маҳорати эътирофидир.

**Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**



Спорт

Йозеф БЛАТТЕР: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФУТБОЛ ТАРАҚҚИЁТИДАН ҲАЙРАТДАМАН»

— ФИФА президенти Йозеф Блаттер бошчилигидаги спорт делегациясининг юртимизга ташрифидан кўзланган мақсад — Ўзбекистонда футболнинг ривожланиши, футбол инфраструктурасида юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишишдир, — дея сўз бошлади Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбари Мираброр Зуфорович. — Мехмонлар кейинги йилларда Тошкентда куриб фойдаланишга топширилган бир қатор мейморий ва спорт иншоотларини кўздан кечиришди.

Айниқса, юртимизда футболни ривожлантириш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган бир неча қарорлар ва ҳукуматимизнинг футболни қўллаб-қувватлаш йўлида катта ҳажмдаги ишлар қилганидан манмин бўлишди. Маълумки, шу кунларда юртимизда тўққизта стадион қуриляпти. Шулардан еттисита бу йил фойдаланишга топширилса, қолган иккитаси келаси йил қуриб битказилади. Энг муҳими, бу стадионларнинг барчаси халқроқ талабларга жавоб беради ва уларда турли нуфузли мусобақалар ўтказиш имконияти мавжудлигини меҳмонлар ҳам эътироф этишди.

— Хабарингиз бўлса, ўтган йили ФИФА Ижрокўми 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисидаги қарорини ўзгартирди, — дея сўз бошлади ФИФА

(Давоми. Боши 1-бетда.)



Хасан ПИРМУХАМЕДОВ олган сурат.

президенти Йозеф БЛАТТЕР. — Ташрифимиздан асосий мақсад — ФИФА Ижрокўмининг мазкур қарорига изоҳ бериш ва келажакда юртимизда ФИФА тадбирларини ўтказиш масалалари бўйича фикрлашдан иборат. Айтишим лозим, Ўзбекистонда футбол тараққиётидан ҳайратдаман. Юртимизда амалга оширилаётган ишлар Ўзбекистон футбол федерацияси ишончли қўлларда эканлигидан дарак бериб турибди. Бу йил ўзбек футболнинг 100 йиллиги нишонланади. Эшитишимча, Ўзбекистоннинг барча ёшдаги терма жамоалари жаҳон чемпионатларида иштирок этишни режалаштиришмоқда экан. Бу борада сизларга омад тилаймиз.

«Миллионлар ўйини» ҳақида сўз кетганда, аввало футбол инфратузилмаси тўғрисида гапириш лозим. Бугун «Бунёдкор» стадионини кўрдим ва юз йилликнинг энг зўр байрамларидан бири шу ерда бўлиб ўтишидан ҳаёбат топдим. Шунингдек, машур «Пахтакор» Марказий стадионда олиб борилаётган таъмирлаш ишлари билан ҳам танишдим. ЎФФ сунъий қолламали майдони

да шуғулланаётган ёш футболчилар билан учрашдим ва бу ердаги спорт иншоотларини кўздан кечирдим. Бугун мен иккита бинода бўлдим, бири «Ўзбекистон» халқроқ анжуманлар саройи ва иккинчиси Симпозиумлар саройи. Қисқача айтганда, Ўзбекистон ФИФА Конгресси қабул қилишга тайёр. Нафақат Конгресс, балки бу ерда терма жамоалар иштирокидаги жаҳон чемпионатларини ҳам юксак савияда ўтказса арзийди. Аммо фақат миллий терма жамоалар ўртасида эмас. Чунки бу мусобақа мезонлар 2022 йилга қадар аниқлаб қўйилган. Умид қиламанки, 2030 йилда Ўзбекистон жаҳон чемпионати ўтказишга бемалол даввогарлик қилса бўлади.

— ФИФА 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати мезонлигини Ўзбекистондан олиб қўйганини қандай изоҳлайсиз?

— Бундай қарор учун барча масъулятни ФИФА ўз зиммасига олади. Бунда ЎФФнинг айби йўқ. Ўзи аввалданок ФИФА бу борада ишни нотўғри режалаштирган эди. Аслида аёллар ўртасидаги мусобақа Вьетнамда бўлиши

керак эди. Мезонлиқни Ўзбекистонга топширишдан аввал ўйлашимиз лозим эди. Мен бугун ФИФА президенти сифатида барча ўзбекистонликлардан расман узор сўрайман. Мен фақатгина узор сўраш билан чекланиб қолмакчимасман. Фурсатдан фойдаланиб, келажакдаги ҳамкорлик ҳақида ҳам аниқ қарорлар қабул қилаймиз.

— Ўзбекистоннинг ФИФА U17 ва U20 жаҳон чемпионатларини қабул қилишдаги имкониятлари ҳақида нима дея оласиз?

— Аввал таъкидлаганимдек, келажакда Ўзбекистоннинг ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларини ўтказиш имконияти бор. ФИФАнинг мусобақалар тақвими қарайдиган бўлса, 2015 йилги ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати Осиё қитъасида ўтказилиши кўзда тутилган. Жаҳон чемпионатини қабул қилишни истаган давлат ўзига хос чора-тадбирларни амалга ошириши лозим. Шунга қарамай, аниқ айтиш мумкинки, ФИФАнинг 2015 йили ўтказиладиган 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати мезонлиқ қилиши учун Ўзбекистонда яхши имкони-

ят бор. Бу ФИФАнинг нуфузи бўйича иккинчи мусобақа ҳисобланади. У оммавий ахборот воситаларининг энг катта қизиқишига сабаб бўладиган муҳим турнирлардан бири. Унда йигирма тўртта терма жамоа иштирок этади. Демак, жами 52 та ўйин ўтказилади. Бунинг учун эса олтинта стадион зарур.

— Бу йил ўзбек футболининг бир асрлик тўйини нишонлайди. ФИФА ушбу юбилейга қандай совга ҳазирламоқда?

— Юз йиллик тантаналар пайтида, албатта, Ўзбекистонга келамиз. Яна шуниси аниқки, бу шодиёналарга биз қуруқ келмаймиз. Қандай совга билан ташриф буюришимиз эса тadbирнинг қайси сандада ўтказилишига боғлиқ. Келинг, ҳозирча бу сурприз бўла қолсин.

— Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси сўнгги иккита жаҳон чемпионатини голиби ҳисобланади. Аммо бу терма жамоалар ўртасида мусобақаларни ўтказишда айрим муаммолар бор. Бу борада ишлар яхшиланадими?

— ФИФА тақвими шунчалик тизим ва мусобақаларга бойки, тақвимга ундан ҳам кўра нуфузлироқ мусобақа қўйиш учун бўш сананинг ўзи йўқ. Бир йилда 365 кун вақт бор. Бу йил 366 кундан иборат бўлади. Аммо ортиқча бир кун етарли эмас. Биз бу масалани алоҳида кўриб чиқамиз.

Бугун ЎФФ ўтказган тақдир маросимида ўзимиз учун бир янгилени олдик. Болалар футболни ривожлантиришда Ўзбекистондан ўрнак олса арзийди. ЎФФ болалар ва ўсмирлар футболини жадал ривожлантиришда. Бу нарса фақат қозғаларда қилиб кетмасдан, балки бу ишни кичик ўйингоҳ ва майдончалар қуриш орқали бажармоқда. Бу таъриб таҳсинга лойиқ.

Эркин ХОЛБОБО Ёзиб олди.

Куни кеча Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз спортчилари муносиб иштирок этишди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛАДИ

— Хабарингиз бор, мамлакатимиз таэквондочиларидан Наталья Маматова, Дмитрий Ким ҳамда Акмал Эргашевлар шу йилнинг августда Лондонда бўладиган ёш Олимпия ўйинларига йўланмаларни кўлга киритишган эди, — дейди Ўзбекистон таэквондо (WTF) ассоциацияси бош қотиби Аббос Латипов. — Осиё чемпионати эса спортчиларимиз учун мазкур нуфузли мусобақа олдидан муҳим тайёргарлик вазифасини ўтади. Унда таэквондочиларимиз умумжа-

Шунингдек, мусобақанинг ушбу йўналишида ўсмирларимиздан Сарвар Шералиев (48 кг), катталар ўртасида эса Дилобар Сайдуллаева (57 кг) ҳамда Владислав Хан (63 кг)лар бронза медаллари билан тақдирланди.

Пумсе йўналишида катталар ўртасида кечган мусобақаларда ҳам вакилларимиз совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, шахсий баҳсларда Зафарбек Сатторов, Александр Нилар учинчи ўринни эгаллаган бўлса, Алек-



моа ҳисобида иккита қумуш ва олтинта бронза медалларига сазовор бўлди.

Мурасиз ва шиддатли кечган кўроғи баҳсларида қизлар ўртасида Гўзал Нурбобоева шохсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди. Катталар ўртасидаги беллашуларда ўз вазн тоифасида Жасур Бойқушев (87 кг) барча учрашуларни муваффақиятли ўтказиб, фақатгина хал қилувчи баҳсда вьетнамлик рақибига очқолар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой берди.

— Орзум келгусида Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш, — дейди Осиё чемпионати қумуш медали совриндори Гўзал Нурбобоева. — Эндигина ўн еттига тўлдим. Вьетнамдаги мусобақалар давомида ўз имкониятларимни чамалаб олдим. Агар астойдил ўз устимда ишлаб, маҳоратимни оширсам, 2016 йили Бразилияда бўладиган олимпиадада иштирок этаман.

сандр Ли, Виктор Цой, Александр Нилар «трио»си жамоавий мусобақада ҳамюртларимиз ҳисобида навбатдаги бронза медалини тақдим қилдилар.

Чемпионат якунида Осиё таэквондо (WTF) федерациясининг навбатдаги конгресси бўлиб ўтди. Унда кейинги қитъа чемпионатларига мезонлиқ қилувчи давлатлар номига оиднилик киритилди. Конгресс қарорига кўра, қитъа мизодаги ўн икки давлат даввогарлик қилган 2014 йилги Осиё чемпионатида Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳри мезонлиқ қилади.

(Ўз муҳбиримиз).

Ибратли оилалар

ҚИЗ ОНАГА, ЎФИЛ ОТАГА ҚАРАБ ЎСАДИ

Ҳар бир ота-она ўғил уйлантирганда, қиз чиқарганда унинг оиласи мустаҳкам бўлишини астойдил истайди. «Қизим, борган жойингга туп қўйиб, палак ёз!», «Ўғлим, ўзингдан қўнай!» - деган тилак ота-онанинг тилига, гулига гоим.

Қиз бола уй-рўзгор юмушини қандай адо этишни онасидан ўрганади. Шу боис халқимиз: «Онасини қўриб, қизини ол!» — дейди. Ўғил отасига қараб ўсади. Аммо янги оиланинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан келинга боғлиқ. У оилани кўз қорачиғидек асраб, ёстиқдоши, қайнона ва қайнонасидан меҳрини аямаса, уша хонадонда меҳр-оқибат, ширинсўзлик ва ҳушбахтлик ҳукм суради.

Мен шундай бир оилани биламан. Унинг бекаси — Тамара Мамбетназарова. У Бердақ номи Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс маркази илмий-методик бўлими раҳбари. Мен унинг нимасига ҳавас қиламан? Қачон қараманг, қизлар, талабалар орасида. Оила ҳақида, унинг мустаҳкам бўлишида келиннинг ўрни, келин ва қайнона муносабати ҳақида давра сўхати ёки мулоқот ўтказиётган бўлади. Яна бундай тадбирларга таниқли шоир-ёзувчиларни, психолог-олимуларни, ҳаёт ҳикмати кўрган бола-обур отахон ва онахонларни жалб этади. Сўхбат ва учрашулар шунчалик тадбир эмас, йигит-қизларни оилага тайёрловчи чинакам сабоққа айланади. Шунда мен: «Ҳар биримиз шундай жонқуяр бўлсак, ҳаётда муаммо қолмас эди!» — деб ўйлайман.

— Қиз бола — оиланинг таянчи, — дейди Тамара Мамбетназарова. — У келин бўлиб тушган, дастлаб, токи янги оилада индиз отгунча қайнона она вазифасини ўтамоғи керак. Унинг тарбиясини бойитиб, ўз оиласига мослаб парварिश қилса, келинда икки хонадон тарбияси ва аъёнлари уйғунлашади. Биз кўп ҳолларда талаба қизини турмушга узатамиз. Албатта, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Аммо талаба турмушга чиққач, айник-

са, ўзидан кўпайган, ўқиш-ишларида қийинчиликлар туғилади. Буни ҳам ҳисобга олиш зарур...

Тамара Мамбетназарованинг мутахассислиги — кутубхоначи-библиограф. Ўзи хизмат қилаётган университетнинг Ахборот-ресурс марказида талабалар ўқув адабиётларидан фойдаланиши учун барча шарт-шароит ва қулайлик яратилган. Марказнинг умумий китоб жамғармаси 505 мингдан зиёд. 9478 нафар талаба марказда билимини оширади.

Университетда таълим бевуричи 532 нафар профессор-ўқитувчи ҳам кунда, кунора шу ерда. Чунки бу ерда улар ўзлари ахтарган манбаларни қийналмай топади, бой маърифат оламидан баҳраманд бўлиш имкони мавжуд.

Марказ олти бўлимдан иборат. Гуманитар фанлар, чет эл адабиётлари, даврий нашрлар, магистрант, аспирант ва докторантлар учун махсус ўқув зали, интернет хонаси, электрон ресурслар бўлими, 650 ўринга мўлжалланган ўн та ўқув зали ишлаб турибди. Марказда 58 нафар ходим ишлайди. Улар асосан хотин-қизлар. Тамара Мамбетназарова шуларнинг бири. Ҳозир у «Оила — келажак тўғриси» деган махсус ўқув хонаси ташкил этиш устидан ишланмоқда. Бу ерда оила



мўътабарлиги ҳақидаги адабиётлар, келин ва кўвнинг бурчи ҳақида тушунча бевуричи манбалар, бошқа маълумотлар мужассам бўлади.

Умуман, бу борада кўз-кўз қилса арзигулик ишлар оз эмас. Мустаҳкам оила йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасида 4716 та янги оила қурилди. Мана шу даврда суд томонидан 234 та ажрим бўлган. Бунинг олдин олишда «Яраштириш комиссияси» хайрли ишлар қилмоқда. Айниқса, Амурдак туманида мазкур комиссия фаолияти фоят ибратли. Унинг таркибига катта ҳаёт таърибига эга,

эл-юрт ҳурматида сазовор бўлган онахон ва отахонлар, ҳар бир соҳанинг бообури вакиллари жалб этилган. Ёшлар уларнинг гапига қиради, дарди бўлса, айтади, улар муаммони ечиш учун қўлидан келган ёрдамни аямайди.

Ўтган тўрт ой давомида Чимбой туманлараро фуқаролик судига 43 та ариза тушган. Бу оила вакиллари билан алоҳида сўхбат ўтказиб, тушунтириш ишлари олиб борилган. 18 нафар ёш оила туман хотин-қизлар кўмитаси қошидаги «Яраштириш комиссияси»да қўриб чиқилган. Муаммонинг ечимини топилган ҳолда, ёшлар яраштирилган. Никоҳ ажримини қаматириш мақсадида «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?», «Никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти», «Эрта турмуш қуришнинг зиёни», «Ёш оила: қандай бўлиши керак?» деган мавзуларда давра сўхбатлари, савол-жавоблар изчил ўтказилмоқда. Мана шундай фидокорона ишлар туфайли Тўртқўл, Қўнғирот, Мўйноқ, Кеғейли ва Тактақури туманларида, Тахиятош шаҳрида оилавий ажримлар қаматириш ишлари хурсанд қилади.

Қорақалпоғистонда ёшлар ибрат ола арийдиган оилалар кўп. Масалан, бастакор Нажмиддин Мухаммадидин билан Абадан Сапарова

оиласи. Улар етмишдан ошган. Аммо доим ёшлар орасида. Уларга оилавий меҳр-оқибат ҳақида ҳикоя қилиб чарчамайди...

Ёш бўлмаса, 78 ёшли академик Жуманазар Бозорбоев оиласи. У турмуш ўртоғи Қирмизи Давлетова билан бирга, уч ўғил, бир қиз, ўн етти неварани тарбиялаб келади. Ўғли Бекназар — фалсафа фанлари доктори, Раҳимназар эса, тарих фанлари номзоди...

Ёш нуқуллик Ражаббой Оллоберганов билан Зулайхо Аметова оиласини оилалик. Улар 84 ёшда. Уч ўғил, уч қиз, 16 нафар неварани воёга етказган. Тағли-туғли хонадон. Шу боис, Нуқулда, никоҳ тўйида келин билан кўёвга «Ражаббой ота билан Зулайхо аянинг бахтини берсин!» — деб тилак билдиришади...

Бундай мўътабар хонадонлар кўп. Улар ўзларидики олижаноб фазилатлар билан оиласига катта обур олиб келган. Бугун эл назаридики бу оилалар оқсоқоллари ҳам янги оилалар файзли, баракали ва мустаҳкам бўлиши учун қўлидан келган эзгу ва савобли ишни қилмоқда.

Одатда, шундай: ёши улғулар йўл бошлайди, ёшлар эса уларга эргашади...

Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тошкент тиббиёт педиатрия институти (СОБҚ САМПИ) қошидаги тиббиёт билим юрти томонидан 1988 йилда Самукова Шаҳида Иргашева номига берилган ЛТ-1№ 102899 рақамли, рўйхат рақами № 185 бўлган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Сижат-саломатлик» журнали таҳририяти жамоаси, уруш ва меҳнат фахрийси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Зайниддин ИСАМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.

Table with weather forecasts for various cities in Uzbekistan, including temperature ranges and weather icons.

Publication information including contact details for the newspaper, subscription rates, and distribution points.